

АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖЛИ БОЛАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. БОЛА ТАРБИЯСИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ.

Б.Х.Исмаилова – Республика болалар ижтимоий мослашуви
маркази Фарғона минтақавий филиали
директори,
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт
институтини Педиатрия кафедраси
катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: алоҳида эҳтиёжга эга бўлган боланинг ривожланиши, ижтимоийлашуви, мослашув муаммолари, тарбия, оилада меҳр-муҳаббат, бола ва ота-оналар психология, рухий-эмоционал ҳолати.

Аннотация

UZ: Мақолада алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ривожланиши ва тарбиясида оиланинг ўрни муҳим эканлиги ёритилган. Муаллиф томонидан ота-оналар томонидан болаларни физиологик, психологик жihatдан борица қабул қилиш, боланинг психологик ва эмоционал ҳолатини инобатга олган ҳолда тарбиялаш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтилган. Уларни ижтимоийлашувида ота-оналарга кўмак берувчи ташкилот – Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Фарғона минтақавий филиали фаолияти мисолида амалий тавсиялар берилди.

RU: Предлагаемая статья содержит информацию по оптимизации детско-родительских взаимоотношений родителей, имеющих детей с особыми потребностями. В них освещаются вопросы о стилях, типах родительского воспитания, раскрываются особенности семьи, воспитывающей ребенка с особыми потребностями, чувства и переживания родителей. На опыте коррекционной работы, проводимой в Ферганском региональном филиале Республиканского центра социальной адаптации детей, даются практические рекомендации по адаптации ребенка и семьи в социуме.

EN: The offered article contains information on optimization of child-paternal mutual relations of parents, having children with the special necessities. In them questions are illuminated about styles, types of paternal education, the features of family open up educative a child with the special necessities, feelings and experiencing of parents. On experience of the correction work conducted in the Fergana regional branch of the Republican center of social adaptation of children, practical recommendations are given for adaptations of child and families in society.

Агар бола ҳимояланганлик туйғуси билан яшаса, у ўзига ишонишни ўрганади.

Агар болани қабул қилишса, у севишни ўрганади.

Агар болани тан олишса, у ўзининг олдида максадлар қўйишни ўрганади.

Агар болани маъқулласа, у ўзини севишни ўрганади.

Агар бола дўстона муҳаббат ичида яшаса, у билади, яшаш учун энг қулай жой бу оила.

Т.Джинот

Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни жамият ҳаётига тўла-тўқис мослашуви муаммолари ҳар доим энг долзарб ўринни эгаллаган. Болалар ногиронлиги улар ҳаётий фаолиятини чеклабгина қолмасдан, ижтимоий дезадаптацияга олиб келади. Бу эса ўз ҳулқи устидан назорат қила олмаслик, шунингдек ўз-ўзига хизмат лаёқати, олдинга интилиш, мўлжал олиш, ўқиш, мулоқот ва келгусидаги меҳнат фаолиятининг ривожланишига салбий

таъсир кўрсатади. Бунда эса боланинг ривожланишида ўзгаришлар бўлиши учун оила энг зарур омил ҳисобланади.

Оила – инсон шаклланишида энг катта куч. Одатда бизнинг ён-атрофга бўлган қарашларимиз оилавий анъаналаримиз, қадриятларимиз, оилада олинган тарбиямиз орқали шаклланади. Шахснинг шаклланишида оиладаги ўзаро муносабатлар маданияти муҳим ўрин тутади, яъни бола оилада меҳр-муҳаббатни, ҳурматни сезса ёки болани оилада сезишмаса, ўрни бўлмаса, оиладаги мулоқот фақат жанжаллар ва бақир-чақирлар остида бўлса, бу ҳолатлар боланинг тарбияси ва шаклланишида ўз аксини топади. Биз қайси мақсадлар сари интилмайдик, ҳар қайси соҳада ишламайдик, ривожланмайдик ва юксакликка эришмайдик, оилада олинган (ота-она, ака-ука, опа-сингил) ўзаро муносабатлар тажрибаси ҳар доим биз билан бўлади ва бизнинг тарбиямизни белгилаб туради.

Ота-оналар ҳар бир инсоннинг ҳаётида жуда катта ва масъулиятли ўрин тутади. Улар боланинг бошланғич тарбияси асосини яратадилар. Бола онасига ёки отасига ўхшашни хоҳлайди ва тақлид қилади. қачонки, ота-она ўзининг ҳулқ-атворида фақат ижобий фазилатларни шакллантирса, боланинг тарбияси мукамал ва ота-онаси хоҳлагандек бўлади. Тарбиянинг бу шаклида ота-она ўзининг хатти-ҳаракатларини доимий назоратда тутиб, бошқа инсонларга ва ўзаро оилавий муносабатларда ижобий намуна бўла олса, боланинг ҳар томонлама уйғунликда ривожланишига асос бўлади.

Оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган муносабати оилада муҳим роль ўйнайди. Оила кичик ижтимоий гуруҳ сифатида ҳар бир аъзосига ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг акси сифатида ҳар бир оила аъзоси ҳам ҳулқи, шахсий сифатлари билан оила ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бу кичик гуруҳнинг айрим аъзолари оила аъзоларининг маънавий қадриятлари шаклланишига, бутун оиланинг мақсади ва ҳаётига таъсир кўрсатади.

Маънавий етукликка эришишнинг энг аввало, оиладан фарзандлардаги маънавий сифатларни тарбиялашдан бошлаш керак. Чунки, боладаги кўпгина маънавий сифатларнинг ривожланишида оиладаги маънавий муҳим асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам оилавий маънавий муҳит болага келажакда асқотиши мумкин бўлган маънавий дунёқарашгина эмас, балки болага бутун умри давомида зарур бўлган билимларга эга бўлишга, унинг реал ҳаёти муаммоларини самарали ҳар қилишга мустаҳкам маънавий асос бўла олади. Шу сабабли оила фақатгина ота-оналарнинг маънавий етуклиги ва интеллектуал салоҳиятлиги ўта муҳимдир. Бу оилада ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги маҳоратига боғлиқ бўлади, чунки уларнинг бола тарбияси борасидаги маҳоратнинг юқори даражаси инсоннинг барча билимлар, малакалар ва кўникмалар уйғунлигида намоён бўлади ва уларнинг фаолияти бола маънавий ахлоқининг асосини ташкил этади.

Боланинг оилада олган тарбиясига, аниқ вазиятларга, дуч келган муаммоларига ёки унинг ечимига қараб, ота-оналар фарзандлари олдида ўз талаблари қўйишлари мумкин. Аммо болага қўйилган меъёрдан ортиқ талаб ва буйруқлар унинг психологиясига таъсир кўрсатиб, у ўзининг ҳимоя усулларини ишлаб чиқади. Бу ҳолатда бола эгоист, ёлғончи, кўпол, жирраки, урушқоқ ва айрим ҳолларда очиқ нафрат туйғусини кўрсатиши мумкин. Ота-оналарнинг бола устидан ҳукмронлик қилиши, унинг қизиқиш ва фикрларини эътиборга олмасликлари, ўзига таалукли бўлган масалаларда боланинг фикри инобатга олинмаслиги, охир-оқибат боланинг шахс сифатида шаклланиши ва ривожланишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Оилада ғамхўрлик – бу муносабатлар тизмида ота-оналар болаларининг барча эҳтиёжларини қондиришади, бунда бола эҳтиёжини қондиришда зарур барча масъулият ва мажбуриятларни ота-она ўз бўйнига оладива болани ўрнига ўзи бажаради. Бу ҳолатда боланинг шахс сифатида ривожланиши иккинчи ўринга тушиб қолади. Тарбиявий ҳаракатлар марказида эса бошқа бир муаммо – бола эҳтиёжларини қондириш ва турли қийинчиликлардан сақлаш туради. Ота-оналар боланинг ўрнига барча муаммоларни ҳал этиб ва ҳаракатларни бажариб, болани реал ҳаётга мослашувини тўхтатиб қўйишади. Айнан шу болаларда жамоага, ҳаётга мослашув юзага келмайди.

Оила ва оилавий муҳит – боланинг ривожланиши учун энг қулай жойдир. Фақат оила муҳитидагина бола ўзгаларни тушунишни, унга ҳамдард бўлишни, ўзини бошқанинг ўрнига қўйиб кўришни, ака-ука ва опа-сингиллари билан мулоқот орқали тенгдошлари билан муносабатга киришишни ўрганади. Бунда бола билан ота-она ўртасида барқарор ижобий муносабат мавжуд бўлиши ва у ўзини севишларини, уни қандай бўлса, шундай қабул қилишларини ҳис қилиб туришлари муҳим.

Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар бола «зуваласини» шакллантиради. Энг муҳими фарзандлар дастлаб оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди ҳис этади. Аммо ҳаётда ҳамма нарса биз ўйлагинимизча бўлмайди. Ҳар хил сабабларга кўра оилада нуқсон билан туғилган ёки туғилганидан сўнг ортирган яъни жисмоний ёки психик ривожланиши заифлашган алоҳида эҳтиёжга эга болалар ҳам учраб туриши ҳеч кимга сир эмас.

Америкалик таниқли педиатр Бенджамин Спок, алоҳида эҳтиёжли болалар ва уларнинг оилаларини таҳлил қилиб, ота-оналарнинг болаларига бўлган муносабатини қуйидаги турларга бўлади:

1. Болаларининг ўзгача эканликларидан уялишади, болани ортиқча эҳтиёт қилишади. Бундай ҳолатда бола ўзини ҳимояланган ва осойишталикда ҳис қилмайди, у ўз қобиғида ўралиб олади, ўзидан кўнгли тўлмайди.
2. Боланинг бундай бўлишида ўзларини айбдор ҳис қиладилар, доимо болани турли усуллар билан “даволаш”га талабгор бўладилар, аммо бу “даволаш”лар боланинг психологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади ва болага ҳеч қандай ёрдам бермайди.
3. Баъзи ота-оналар болаларига нисбатан “бажара олмайди”, “қила олмайди” каби фикрлар билан хулоса чиқариб, уларга нисбатан ўзларининг эътиборларини, меҳр-мухаббатларини қаратишни ҳохламайдилар.
4. Болаларининг ривожланишида нуқсони борлигини кўрмасликка олиб, ўзлари ва жамиятга бошқалардан фарқ қилмаслигини исбот қилишга ҳаракат қиладилар.
5. Болани қандай бўлса шундайлигича қабул қилиб, турли хил қарашлар ва гап-сўзларга эътибор бермай, болани ҳамма жойда бўлишида, турли тадбирларда иштирок этишига ҳаракат қиладилар. Бу ҳолатда бола ўзига бўлган ишончни ҳис қилади, ўзини бошқа болалар каби қабул қилади.

Демак, ота-оналарни алоҳида эҳтиёжли болаларига бўлган муносабатларининг таъкидлаб ўтилган турларини ҳаммаси психологлар томонидан таърифланган муносабатлар тизими “ота-оналар – оддий бола”: гиперғамхўрлик, гипоғамхўрлик, ҳис-туйғуларнинг тан олинмаслиги, гипер жамоалашув каби тарбиянинг ўзига хос аномал кўринишлари ҳисобланади.

Кўпинча алоҳида эҳтиёжли болаларда атрофдагилар билан алоқа муносабатларини ўрнатиш учун тўсқинлик қиладиган ишончсизлик ҳиссиёти туғилади. Бундай болаларнинг дилига тўғри йўл топиш муҳим аҳамиятга эга. Ортиқча эркалаш, турли қийинчиликлардан аяш, бола шахсига шикаст етказилади. Чунки, алоҳида эҳтиёжга эга боланинг мустақиллик сифатлари пасайиб қолади. Боланинг оила аъзолари билан ҳам яхши муносабатда бўлиши унинг бошқа болалар билан ҳам яхши муносабатларини ўрнатишга ёрдам беради. Алоҳида эҳтиёжга эга бола билан соғлом болалар ўртасида англашилмовчиликлар рўй берганда ота-оналар уларга айниқса, қар ёки заиф эшитувчи бола билан суҳбатлашиш, кўзи ожиз болага қандай кўмак бериш кераклигини тушунтиришлари лозим. Алоҳида эҳтиёжга эга боланинг нормал болалар жамоаси билан муносабатини унинг ахлоқий туйғуларини, тасаввурини, дунёқарашини кенгайтиради. Боланинг оиладаги: меҳнати, яъни ўз-ўзига хизмат қилиши, уй ишларида, мактабда ва оромгоҳларда ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида иштирок этиши унинг ахлоқий хислатларини, маънавий хусусиятларини шакллантириш ва тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Ота-оналарнинг орзиқиб кутган соғлом фарзанд ўрнига алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болани қўлларига олганларида, жамоат жойларда уларга тўғридан-тўғри фарзандларининг бошқаларга ўхшамаслигини кўрсатганларида ёки тиббиёт ҳодимларининг

“фарзандингизнинг имконияти чекланган”, деб ташҳис қўйишлари натижасида рухий-эмоционал ҳолатлар юзага келади. Алоҳида таъкидлаш жозки, ҳар қандай ҳолатда ҳам, оқилона жамият, тараққиёт йўлида ҳеч қандй, хаттоки кичик омилдан ҳам воз кечмайди – аксинча, барча омиллардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади. Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар жамиятимизнинг маълум бир қисмини ташкил этар экан, улардаги иқтидор, салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, мамлакатимизнинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Бу дегани алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларга янгича нигоҳ билан қараб, уларни ижтимоий фаолиятга жалб этиш керак.

Оилада алоҳида эҳтиёжли бола туғилганда, ота-оналарнинг ҳаётга бўлган қарашлари, ўзларига ва бошқаларга бўлган муносабати ўзгаради. Шунинг учун алоҳида эҳтиёжли болаларнинг реабилитацияси ва жамиятга интеграцияси ҳақида гапирилганда, нафақат шу болаларнинг эҳтиёжларини, балки оиланинг ҳам эҳтиёжларини эътиборга олиш зарур: уларнинг кўпчилиги мажмуавий ижтимоий кўмакка муҳтож бўлади.

Ота-оналарнинг вазифаси – ўз жигарларини тушуниш, уларнинг гўдаклигидан бошлаб улғайгунларига қадар нимага муҳтож эканликларини, бошқалардан нималари билан фарқланишлари ва боланинг энг зарур эҳтиёжларининг катталар томонидан эътиборсиз қолдирилиши қандай натижаларга олиб келишини билишларидан иборат. Ота-оналар боланинг ички оламини, унинг ҳиссиётлари ва кечинмаларини билиш малакасини ўзлаштиришлари зарур. Ота-оналарнинг болани индивидуал эҳтиёжлари ва хусусиятларига эътиборларини кучайтиришлари боланинг ривожланиш ва унинг шахс сифатидаги шаклланиш жараёнида педагогик чиқимлардан қочиш имконини беради. Худбинлик, тажовузкорлик, қайсарлик каби ҳислатлар бола туғилганида бўлмайди, аксинча нотўғри тарбия натижасида сингдирилади.

Ота-оналар болани қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга ўрганишлари ва уни ўзларининг стереотипли тасавурлари ҳамда истакларига мослаштириб қайта ўзгартиришга уринмасликлари лозим.

Мавжуд тасавурларга мувофиқ боланинг ривожланиши қачонки унинг асосий ва психик қизиқишларига амал қилинса, нафақат овқатланиш ва парваришга бўлган эҳтиёж, балки ҳимояланганлик ва тушунишга бўлган эҳтиёж ҳам қондирилганидагина мумкин бўлади. Тадқиқотлар бола учун намуна, муҳим шахс, яъни идеал бўлишга хизмат қиладиган яқин катталар, ота-оналарга бўлган болаларча боғланишнинг шаклланиши алоҳида роль ўйнашини кўрсатади.

Бундай идеал замонавий ота-оналар мезони – уларнинг боланинг индивидуал эҳтиёжлари ҳамда хусусиятларини чуқур билиш ҳамда уни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида уларни албатта инобатга олишлари ҳисобланади. Бундай ота-она ўз боласининг ҳиссий оламини тушуниш ва ҳис қилишга ўрганади. Ўзининг бола билан кундалик мулоқотида, айниқса, беш ёшгача улар болага нафақат визуал ҳамда тана алоқаси, балки нутқий ўзаро ҳаракатга энг юқори даражада эътибор қаратишга интиладилар. Ушбу жараёнда ҳамкорликдаги тажриба муҳим, яъни биргаликдаги ижодий фаолият, биргаликда меҳнат қилиш, уйда ва табиат қўйнидаги биргаликдаги ҳиссий кечинмалар болада унинг яқинларига кераклиги ҳамда уларнинг ҳаётида дахлдорлиги туйғусини уйғотади. Бола уни шахс сифатида тан олишларига заруриятни ҳис қилади. Шунга қарамай, бола ва ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам доим ҳам чамбарчас ва дўстона бўлавермайди.

Шу ўринда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Фарғона минтақавий филиали ота-оналарга кўмак, нажот берувчи ташкилот сифатида алоҳида ўринга эга. Филиал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 сентябрдаги 267-сонли “Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 0 ёшдан 18 ёшгача бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалари ва уларнинг оилаларига ижтимоий-педагогик, психологик, ҳуқуқий ва ахборот-таълимий ёрдам кўрсатади. Бу ерда боланинг ҳолати ўрганиб чиқилиб, кучли томонларига таяниб бола билан машғулотлар ўтказилади. 2013-2022 йиллар давомида филиалга мурожаат этган болалар ва

оилалар сони 8876 нафарни ташкил этиб, улардан 6757 нафари филиал ахборот-консалтинг хизматидан фойдаланган, 3985 нафарига филиал ижтимоий ходимлари томонидан ижтимоий-педагогик, психологик, ҳуқуқий ва ахборот-таълимий ёрдам кўрсатилган. Филиалда болалар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатлар, яъни биргаликдаги ижодий фаолиятни ривожлантириш мақсадида ота-оналар клуби фаолият олиб боради. Бу ерда ота-оналар ва болалар ҳамкорликда қўл меҳнати ёрдамида турли хил ижодий ишларни амалга оширишади. Бу билан болада оиласига, ота-онасига кераклилик ҳисси, санъатнинг маълум бир турига бўлган қизиқишлари ва қобилиятлари шаклланади.

Шунингдек, 2013-2022 йилларда олиб борилган хизматлар натижасида филиал ижтимоий ходимлари томонидан 289 нафар болани жамият ҳаётига ижтимоийлашувини амалга ошириш мақсадида умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларига жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Филиалда фаолият юритаётган ижтимоий ходимлар томонидан Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг ижтимоий тизими ўрганилиб, аниқланган муаммоларга амалий ёрдам кўрсатилади. Статистик маълумотларга қараганда, 2022 йил 1 январь ҳолатига 16 ёшгача соғлиқни сақлаш тизимларида рўйхатга олинган ногирон болалар сони Фарғона вилоятида 12567 нафар, Андижон вилоятида 12888 нафар, Наманган вилоятида 11200 нафарни ташкил этади. Шулардан, Фарғона вилоятида 1876, Андижон вилоятида 1346, Наманган вилоятида 1177 нафар болалар уй таълимида ўқитилади. Бундан ташқари, филиал ходимлари томонидан болаларнинг ижтимоий ҳимоясида иштирок этувчи мутахассисларга тажриба алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказилиб келинади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда алоҳида эҳтиёжли болаларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнларини топишлари учун кенг шароитлар яратилган. Лекин юқорида таъкидланганидек, боланинг жамиятга уйғунлашувида албатта оиланинг ўрни жуда катта. Чунки, оила болани қандай бўлса шундайлигича қабул қилса, жамият ҳам уни шундайлигича қабул қилади. Испания давлатида Даун синдромига эга Пабло Пинета кинода асосий ролни ижро этган ва ўзининг шахсий телевидениеси мавжуд бўлган шахс. Ундан интервью олинганда бу ютуқларга у оиласи уни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиб, оддий болалар қатори тарбиялашгани туфайли эришганини айтиб ўтади. Демак, боланинг ривожланиши ва камол топишида оиланинг ўрни беқиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Психологическая помощь родителям в воспитании детей с нарушениями развития / Под ред. Савиной Е. А. – М.: ВЛАДОС, 2008. – 223 с.
2. Тўрақулова И.Х. Оилада бола тарбиясининг маънавий асослари. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2014. – 228 б.
3. Ганиева М.Х. Алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг ижтимоий ҳимояси ва жамиятга уйғунлашуви/ Халқаро форум материаллари. «Социальное партнерство в сфере социальной защиты детей и семей». Ташкент, 4-5 декабрь 2015 й.
4. Латипова Н.М. Особенности семейного воспитания. Theoretical and Applied Science – Harrisburg, USA/ №10(30). P79-84.
5. Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: 2008 – 152 б.
6. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: “Sharq”, 2001 у.-272 б.
7. Андреева Т.В. Семейная психология. – СПб.: Речь, 2004.-244 с.
8. Карабанова О.А. Психология семейных отношений и основы семейного консультирования: Учебное пособие. М.: Гардарики, 2005. 320 с.
9. Шнайдер Л.Б. Семейная психология: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. М.: Академический проект. 2006. – 768 с. 6. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская

- И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с.
10. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. – М.: Класс, 2004.
 11. Шоумаров Г.Б Шоумаров Ш.Б. Мухаббат ва оила. – Тошкент, «Ибн Сино», 1994 й. 120с.
 12. Каппенберг Р.П. Семейное кризисы // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003. – С. 795-796.
 13. Осипова А.А. Общая психокоррекция. Учеб. пособие. М.: СФЕРА, 2002 г. 510 с.